

## НИЗОЛИ ОИЛАЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси З- босқич  
317-гуруҳ курсанти Бекжонов  
**Жамшид Бахтиёр ўғли**

Биламизки оила жамиятнинг кичик бўғинидир, жамиятнинг ҳам таянчи айнан оила ҳисобланади. Оилалар бор екан низолар ҳам учраб туриши табиий ҳолат. Бундай низоларга сабаб ҳам унчалик арзимас бир ҳолатлардан келиб чиқади, аммо ушбу ҳолатлар кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига бу еса ёш болаларнинг ота-онасиз ўсиши олиб келмоқда. Бундай низоларга сабаб қилиб жуда кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин масалан рашк, бир-бирини тушинмаслик ёки ерта оила қуриш каби ҳолатлар.

Психологларнинг фикрича, оиланинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммога бағишлиланган илмий изланишларда асосан, оилавий низолар, қадриятлар ва урф-одатлар доирасида ўрганилган. Бу борада олиб борилган илмий изланишларда эрхотин ўртасидаги можароллар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт шароитлари, классификацияси, мотивлари, ижтимоий-психологик хусусиятлари, бундай ҳолатнинг шахснинг психик ҳолатига таъсир этиш масалалари атрофлича тадқиқ қилинмаган. Ташвишланарли томони шундаки, оила-турмуш доирасида 23,8 фоиз ҳолатда шахсга қарши жиноятлар содир этилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқатвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Шунингдек, бу соҳада ўтказилган айrim тадқиқотларда қайд этилишича, «Ота-оналар томонидан зулм кўрсатилган болалар ва ўсмирлар» дастури асосида ишлаётган бир груп американлик психиатрлар томонидан 76 нафар золим ота-оналар шахси ўрганилиб чиқилганда уларнинг фақат 7 фоизи руҳий соғлом бўлиб қолганлари, яъни

25 фоизи ичкиликбозлар, 68 фоизи эса жамиятга зид турмуш тарзи юритувчи шахслар эканлиги аниқланган . Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлар шуни кўрсатадики, оиладаги нафақат ғайриижтимоий салбий оқибатларнинг, балки ҳар қандай жиноятларнинг содир этилишида оиладаги муҳитнинг таъсири бўлади. Бундан келиб чиқадики оиладаги низони атрофлича ўрганиб барвақт олдини олиш зарур.